



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI

TOSHKENT DAVLAT
STOMATOLOGIYA INSTITUTI



МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

XALQARO O'QUV - USLUBIY ANJUMAN TO'PLAMI
«**OLIY TIBBIY TA'LIM TIZIMI ISLOHOTLARI:
MARKAZIY OSIYODA TA'LIM "XAB"INI
TASHKIL ETISH YO'LIDA**»

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ МЕЖДУНАРОДНОЙ
УЧЕБНО – МЕТОДИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ
«**РЕФОРМЫ ВЫСШЕГО МЕДИЦИНСКОГО
ОБРАЗОВАНИЯ: НА ПУТИ ОРГАНИЗАЦИИ
ЦЕНТРАЛЬНО – АЗИАТСКОГО
ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО «ХАБА»**»



**“Олий тиббий таълим тизимининг Марказий Осиёда таълим
«хаб»ини ташкил этиш йўлидаги ислохотлари”**
халқаро ўқув-услугий анжуман

7 январь 2020 йил

ХАЛҚАРО ЎҚУВ-УСЛУБИЙ АНЖУМАН ТЎПЛАМИ



**“Реформы высшего медицинского образования: на пути организации
Центрально-Азиатского образовательного «хаба»”**
международная учебно-методическая конференция

7 января 2020 года

**СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ МЕЖДУНАРОДНОЙ УЧЕБНО-
МЕТОДИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ**



**“Reforms of higher medical education: on the way of organization of the
Central Asian educational hub”**
International educational-methodical conference

January 7, 2020

**COLLECTION OF MATERIALS FOR THE INTERNATIONAL
EDUCATIONAL AND METHODOICAL CONFERENCE**



классов научно-практического характера в области адгезивной стоматологии.

Полученные в процессе проведения мастер-классов результаты становились источником оживленных дискуссий, а в отдельных случаях являлись материалом для небольших исследований, часть которых уже была или будет описана в научных статьях и тезисах.

ЁШЛАРНИНГ МЕДИАСАВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕДИАТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ.

Фазилова Л.А

Тошкент давлат стоматология институти

Аннотация: Волонтерское и патриотическое воспитание молодежи в «жестоком» веке, способное устоять перед духовными посягательствами, является актуальной задачей перед педагогами высших учебных заведений. Они должны обладать необходимыми знаниями и навыками по развитию медиаграмотности в высших учебных заведениях.

Annotation: Volunteer and Patriotic education of young people in the "cruel" century, able to resist spiritual encroachments, is an urgent task for teachers of higher educational institutions. They should have the necessary knowledge and skills to develop media literacy in higher education.

Аннотация: Шиддаткор асрада ёшларни маънавий тажовузуларга қарши собит тура оладиган иродали ва ватанпарвар қилиб тарбиялаш олий таълим муассасаларининг педагоглари олдидаги долзарб вазифадир. Улар олий таълим муассасаларида медиасаводхонликни ривожлантириш юзасидан зарурий билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Калит сўзлар: медиасаводхонлик, медиатаълим, медиамухит, фейк, ахборот муҳити, ОАВ, виртуал мулоқот, медиавирус.

Бугунги кунда ёшлар жуда катта қизиқиш билан қараётган ахборот олами, интернет тармоғидаги турли сайтлар, телеграм, интаграм, фейсбук, электрон почта, онлайн-видео, тармоқлар орқали олиб борилаётган тўғридан-тўғри эфирлар каби кўплаб янги ахборот тарқатиш технологиялари тез суръатлар билан ривожланиб, уларнинг аудиторияси ва таъсир доираси тобора кенгайиб бораётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бундай ахборот воситаларига ва улардан кенг фойдаланишга муккасидан кетаётган ёшларни қайсидир маънода меърини билишга, уларнинг ёш ва психологик жиҳатларини ҳисобга олишга катта эътибор қаратиш зарур. Барча далилларни ҳисобга олсак, ҳақиқатдан ҳам, бу масаланинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас. Маълумки, аҳоли ўртасида, жумладан, ёш авлод онгида дунёда, ён-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, янгиликлар ҳақидаги фикрларнинг шаклланишида оммавий ахборот воситалари муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда замонавий таълим тизимининг барча турларига яна бир муҳим вазифа — ёшларни турли манбалардан, биринчи навбатда, интернет тармоқларидан, мобил телефон иловаларидан, телевизорлардан ва шу каби ахборот узатувчи воситаларидан олинаётган турли ахборотларни тўғри қабул қила олишга ўргатиш вазифаси юклатилмоқда. Фарзандларимиз ҳар қандай ахборотларнинг сифати ва ишончилигини баҳолай олишлари, ахборотлардан тўғри фойдалана билишлари, уларни танлай олишлари ва ҳар бир маълумотга танқидий ёндашишни ўрганишлари зарур. Шу билан бирга, интернет, телевидение, кино, радио, видео, мобил телефони, турли маълумотлар акс этган видеороликлар ва суратлар каби алоқа ва маълумот узатувчи воситаларнинг жадал ривожланиб бориши ҳаётимизни сифат жиҳатдан ўзгартириб, кўплаб янги муаммоларни, масалан, ахборот маданиятини шакллантириш ҳамда ўсиб келаётган авлоднинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини юзага келтирмоқда. Мазкур жараёнда медиатаълим ёшларни мустақил фикр юритишга, ижодкорлик фаолиятларини ривожлантиришга, ахборот олишга, уни қайта ишлашга, умумлаштиришга, хулоса чиқаришга ўргатиб, ёшларнинг дунёқараши, интеллектуал салоҳиятининг ривожланишига ва камол топишига замин яратадиган асосий омил ҳисобланади. Ёшларнинг ахборот маданияти деганда уларнинг ахборотлар билан ишлаши, ахборотларни қидириши, турли ёлғон маълумотларга алданиб қолмасликлари, зарур ахборотларни ажрата билишлари, қайта ишлаши, уларни тартибга келтириши, ахборотлар мазмунини тушуниши, дўстларига ишончли ҳамда холис манбаларни узатиши, мантиқий фикрлай олишни ўрганиши кабилар асосида шаклланади. Ахборотнинг ким учун ва нима мақсадда тайёрланганлигини тушуна билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар бир инсон алоқа соҳасида қандай техник воситалар ишлатилиши тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиши керак. Ривожланган хорижий мамлакатлар педагогикасида медиатаълим тушунчаси асосий ўринлардан бирини эгалласада, медиатаълимга аниқ тавсиф берилмаган. Ҳозирги кунда, медиатаълим ресурсларидан бутун дунёда кенг фойдаланилмоқда. ЮНЕСКО ташкилотининг Парижда, Германиянинг Грюнвалд шаҳрида, Испаниянинг Севиля шаҳрида ўтказилган конференциялари резолюция ва тавсияларида медиатаълим масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган.



Бугунги кунда медиасаводхонлик Буюк Британия ва Австралияда гуманитар фанлар мажмуасида алоҳида фан сифатида ўтилса, Финляндияда 1970 йилдан ўрта мактабларнинг, 1977 йилдан эса олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига киритилган. 1990 йилларда эса мамлакатда «Медиасаводхонлик» тушунчаси «Медиатаълим» тушунчасига алмаштирилди. Шведияда у 1980 йилдан бошлаб таълим муассасаларида алоҳида фан сифатида ўқитила бошланган. 1990 йилларда Россияда медиатаълим бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган. 2002 йилда педагогика олий таълим муассасалари учун медиатаълим ихтисослиги бўйича йўналиш очилди. Шунингдек, 2005 йил ЮНЕСКО ҳомийлигида «Медиатаълим» дарслиги яратилди. Республикамізда медиасаводхонлик алоҳида бир фан сифатида киритилмаган бўлсада, умумтаълим мактаблари ҳамда олий таълим муассасаларида медиатаълим элементлари «Адабиёт», «Тарих», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари», «Информацион технологиялари» ва «Муסיқа» фанлари таркибига сингдирилган ҳолда ўқитилмоқда.

Маълумотларда қараганда ҳар бир фойдаланувчи кунига интернетдан фойдаланиш учун кўплаб вақт ажратади. Шу сабабли бугунги кун талабига кўра зарур ахборот ва маълумотларни кераксиз ва яроқсиз, сохталаридан ажрата олиш, яъни медиасаводхонликка эга бўлиш зарурати юзага келмоқда. Аввало, «Медиасаводхонликнинг ўзи нима?», «Нега унга бутун дунё бўйлаб талаб ортиб бормоқда?» каби саволларга жавоб топиш лозим. Чунки сўнгги йилларда ахборот оқимининг бир неча баробар тезлашиши, ижобий маълумотлар билан бирга салбий характердаги ахборотларнинг кўпайиши медиасаводхонликка эга бўлиш заруратини кўйди. Ҳозирда хатто гўдақлар ҳам мобил телефонлардан ўзлари тушунмаган ҳолда «фойдаланмоқдалар».

«Медиа» — лотинча «media» сўзидан олинган бўлиб, «восита», «воситачи» янада аниқроғи, «оммавий ахборот воситалари» деган маънони англатади. Медиа узлуксиз таълим жараёнини визуал материаллар билан бойитишга, дарснинг сифатли ўтилиши ва ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, модем, фото, видео, компьютер технологиялари, интернет билан дўстлашиш, билимларни кенгайтириш имконини яратади. Бироқ медиа яхшилик билан бир қаторда, ёвузликка ҳам хизмат қилишга қодир. Бу жараён эса инсон онгига гиёҳванд моддадек таъсир ўтказаяди, унга қарши боришнинг эса имкони бўлмайдми. Бугун «ўргимчак одам»га ҳавас қилиб, ўзини пастга отган ёки «Кўк кит» ўйинига муккасидан кетган болалар ва ёшлар, рекламаларда берилаётган барча ахборотларга ишонувчи шахслар, ёт ғояларга эргашиб кетаётган кимсалар, айниқса инсон саломатлигига салбий таъсир қилувчи ҳар хил тиббий кўрсатмалар ҳам йўқ эмас. Ҳозирги кунда инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи ҳар хил рекламаларга кўр-кўрона ишониб адашаётган инсонлар ҳам топилади.

Бугунги ахборот муҳитини тушунишда медиасаводхонлик муҳим аҳамият касб этади. Ёшларда аввало, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) орқали узатилаётган ва қабул қилинаётган кундалик ахборотни саралаш кўникмаларини, турли ахборотларни қабул қилгандан кейин ҳам ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қилиш, ахборот қаердан, ким томонидан ва нима мақсадда узатиляпти, ўзида кимнинг манфаатларини акс эттиряпти, деган тушунчаларни шакллантириш лозим. Моҳияти ўрганилмаган, ёлғон тарқатилаётган хабар ва ахборотларнинг ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юбориши ҳеч кимга сир эмас. Айнан ахборотни таҳлил этмай, ўз ҳолича қабул қилиш оқибатида дунёнинг турли чеккаларида ёшлар жинойатга қўл урмоқда, ўзини кино қаҳрамони сифатида ҳис қилганлар эса «қаҳрамон» хатти-ҳаракатларини такрорлаган ҳолда қўлларига қурол олиб, бегуноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўлишмоқда...Демак, айнан ана шу ҳолатларнинг олдини олиш, ахборотга онгли равишда ёндашиш бугун замон талабидир.

Маълумки, миллий қонунчилигимизда ҳам ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялашнинг механизмлари мавжуд. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунда «Ўзбекистон Республикасида ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонликни, ҳаёсизликни ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ман этилиши», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда «Порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намоиш этувчи, инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи

ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш тақиқланиши» белгилаб берилган.



Америкалик жамиятшунос М.Кастельс ўзининг «Интернет галактикаси» китобида: «Ҳозирги даврда жамиятда бир вақтнинг ўзида бир қанча ўтиш даври ёки жараёнлар содир бўлмоқда. Булардан энг муҳими ахборот жамиятига технологик ташкилий ўтиш давридир. XXI асрдаги ҳокимият, бойлик, ижтимоий фаровонлик ва маданий ижод кўпгина ҳолларда ахборот жамиятининг моделининг ривожланишига боғлиқ» деган фикрлар келтирилган. Яна бир америкалик медиолог Д.Решков «Медиавирус» номли китобида, «Бизнинг цивилизациямизда кенгайиши мумкин бўлган ягона муҳит, бу – медиадир. Ҳокимиятга эгалик қилиш инсонларнинг сонига қараб эмас, балки оммавий ахборот воситаларида неча дақиқа ва қанча ҳажми қўлга киритилишига асосланади. Чексиз ўсаётган медиа ҳақиқий яшаш муҳитига айланди» деган эди.

Тезкор интернет орқали қабул қилинаётган ахборотларнинг аксарият фойдаланувчилари ёшлар ҳисобланади. Глобал ахборот маконига реал кўз билан қарайдиган бўлсак, ҳозирда кенг жамоатчиликни хавотир ва ташвишга солиб келаётган муаммолардан бири шубҳасиз, ахборот маконида «носоғлом» манфаатлар, зиддият ва қарама-қаршиликлар таъсиридаги ахборотларнинг миллий ахборот маконимизга кириб келишидир.

Ёшларда интернетдан оқилона фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, уларнинг мафқуравий иммунитетини мустаҳкамлаш учун глобал тармоқда миллий ахборот ресурсларини кўпайтириш, ёш веб-ихтирочиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, бу борада сайтлар томонидан турли онлайн-танловлар, кўрик-танловлар ўтказиш, ёшларни рағбатлантириш муаммонинг самарали ечими бўла олади.

Бугун кунда қулоғимизга «фейк», «fake-news» иборалари тез-тез чалинмоқда. Фейк — (fake-инг. тилида) сохта, қалбаки деган маъноларни англатади. Ҳақиқатга жуда ўхшаб кетадиган ёлғон хабарлар, махсус дастурлар орқали ўзгартирилган фотосуратлар, монтаж қилинган видеороликлар, ижтимоий тармоқларда бошқа шахслар (одатда машҳур инсонлар) номидан очилган ёлғон akkaунтлар фейкларга мисол бўла олади. Термин сифатида у яқин ўтмишда истеъмолга киритилган бўлса ҳам, ёлғон ахборот тарқатиш тарихи анча узоққа бориб тақалади. «Фейк»ларнинг авж олиши бир томондан оммавий ахборот воситаларининг профессионализмига, бошқа томондан эса ахборот фойдаланувчиларнинг медиасаводхонлигига боғлиқ масаладир. Интернет ва ижтимоий медианинг ривожланиб бориши натижасида ҳар бир ахборот истеъмолчиси аини вақтда ахборот тарқатувчи, «халқ журналисти» ролини ҳам бажармоқда. Инсон биргина бармоқ ҳаракати билан келиб чиқиши шубҳали хабарни минглаб одамларга етказиши мумкин. Шундай шароитда ҳар бир фуқаро ўзи билмаган ҳолда ҳалокатли дезинформация занжирининг бир ҳалқасига айланиб қолиши мумкин. Фейклар билан курашиш нима учун муҳим? Чунки улар барқарорлик ва хавфсизликка ҳақиқий таҳдид кўрсата олиши фактлар билан исботланган. Масалан, Руандадаги геноцид (1993й.) айнан маҳаллий радио орқали тарқатилган ёлғон хабар ортидан бошланиб кетгани ҳаммага маълум. 2018 йили Ҳиндистонда WhatsApp мессенжери орқали тарқатилган фейк суратлар сабабли 25 киши омма томонидан ўзбошимчалик билан ўлдириб юборилди. Шундай шароитда фейклардан келаётган таҳдидни тўғри баҳолаш ва унга қарши тура олиш ҳар бир давлатнинг вазифаси, ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Давлатимиз ёшларини бундай ёлғон хабарлардан ҳимоя қилиш эса ҳозирги ахборот асримизнинг долзарб муаммосига айланиб бўлган.



Бу борада қонунчилик талабларига қатъий риоя этиш, ахборот тарқатувчиларга бу борада юклатилган масъулиятни яна бир бор эслатиб қўйиш фойдадан холи бўлмайди. Чунки ахборот тарқатиш масъулиятини ҳис этиш, бу борада ҳуқуқий оқибатларни ўйлаш ва жавобгарликни унутмаслик замонавий инсон олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот асри даврида ёшларга ёпирилиб келаётган салбий ва ёлғон ахборотларнинг олдини олиш, сара маълумотларни топиб фойдаланишлари, хусусан, «носоғлом» ахборотлардан ҳимоялана олишлари, коммуникация воситаларидан тўғри фойдалана билишлари учун билим ва тажриба керак бўлади. Интернет маданиятини, медиасаводхонликни аввало катталар, ота-оналар, керак бўлса, барча педагоглар ўзларидан бошласалар, яна ҳам яхши қутилган натижаларга эришиш мумкин бўлади. Айнан мана шу борада болалар катталарнинг, айниқса, ота-оналар ва педагогларнинг маънавий-руҳий кўмагига муҳтож. Шунингдек, мутахассислар, педагоглар томонидан ўсиб келаётган ёш авлоднинг медиасаводхонлиги ва интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, интернетнинг миллий сегментини ривожлантириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ва ижрога йўналтириш ҳамда ахборот тарқатувчилар билан ўзаро ҳамкорликда турли ахборот хуружларига нисбатан ёшларда иммунитет ҳосил қилиш, медиасаводхонликни тарғиб этиш орқали фейкларга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вақти келди. Шундай экан, ёшларга соғлом ахборот муҳитини яратиб, улар маънавий оламнинг дахлсизлигини асраш асосий вазифаларимиздан бири эканлигини ҳар бир фуқаро ҳис этиши даркор. Айни пайтда, медиатаълим асосларини ҳар бир олий таълим муассасаси ўқув дастурига киритиш, болаларга мактабгача таълим жараёнида унинг асосларини интерактив, турли ўйинлар шаклида тушунтириш бориш, ўсиб келаётган ёш авлод томонидан шиддатли ахборот оқимида фойдалисини, зарурини танлаш ва унга танқидий ёндашган ҳолда баҳолай олиш имконини бериш керак. Бу эса ўз навбатида, ёшларнинг келажакдаги фуқаролик позициясининг янада мустаҳкамланишига, жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни холис баҳолаб, тўғри қарор қабул қила олишига асос бўла олади. Бу ҳаракатларни самарали йўлга қўйиш учун олий таълим муассасаларида махсус қўлланмалар тарқатилиб, унда медиамакондаги муносабатларнинг қонуний ва тартибли бўлишини таъминлашга ҳамда томонларнинг ҳушёрлигини оширишга ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши лозимдир.

Шу борада Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, аҳолининг 41%и интернет тармоқларидан ўқиган маълумотини текшириб, кейин унга ишонади, 31%и қабул қилинган ахборотни текширмайди, 19%и эса баъзи ҳолатлардагина ахборотни бошқа манбалар билан солиштирар экан.

THE PREDOCTORAL DENTAL STUDENTS <i>Wonse Park</i>.....	385
INTERACTIVE METHODS IN TEACHING TERMINOLOGY IN MEDICAL INSTITUTIONS <i>Yunusova D.M.</i>...	385
СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ИГРОВЫХ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ ПО ПРЕДМЕТУ МЕДИЦИНСКАЯ РАДИОЛОГИЯ <i>Юнусова Л.Р.</i>.....	388
ИНТЕРАКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ В МЕДИЦИНСКИХ ВУЗАХ	
<i>Юсупова Н.А., Кудратова З.Э., Бердиярова Ш.Ш.</i>.....	391
ОСОБЕННОСТИ ИЗУЧЕНИЯ И ПРЕПОДАВАНИЯ ФАРМАКОЛОГИИ <i>Л.К.Якубова</i>.....	393
ЗНАЧЕНИЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ ДЛЯ ЗАКРЕПЛЕНИЯ ЗНАНИЙ <i>Л.К.Якубова</i>.....	393
THE METHODS OF TEACHING ENGLISH TO KIDS <i>Yakubova Sh.M.</i>.....	394
PRAGMATIC CHARACTERISTICS OF NATIONALLY SPECIFIC PHRASEOLOGY IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES <i>Yakubova Sh. M.</i>.....	396
ИНТЕНСИФИКАЦИЯ ПРОЦЕССА ОБУЧЕНИЯ В ВЫСШЕМ МЕДИЦИНСКОМ ОБРАЗОВАНИИ.....	
<i>Янгиева Н.Р., Туйчибаева Д.М</i>.....	397
РОЛЬ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОГО МАСТЕР-КЛАССА В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ СТУДЕНТОВ СТОМАТОЛОГОВ И ПРАКТИКУЮЩИХ ВРАЧЕЙ	
<i>Мелькумян Т.В., Дадамова А. Д., Шералиева С.Ш.</i>.....	399
ЁШЛАРНИНГ МЕДИАСАВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕДИАТАЪЛИМИНИНГ ЎРНИ <i>Фазилова Л.А.</i>.....	
	400